

ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТ СИФАТИДА ОХИРГИ ЗАРУРАТНИНГ ҚОНУНИЙ МАВЖУД БЎЛИШИДА ХАВФ БИЛАН БОҒЛИҚ ШАРТЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНИШИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маржона Ботир қизи ЖУМАНАЗАРОВА

мустақил изланувчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада охирги зарурат қонунийлигининг хавф билан боғлиқ бир қатор шартлари таҳлил қилинган ҳамда хавфнинг манбаалари ва уларга қўйилган талабларнинг ўзига хослиги илмий жиҳатдан ўрганилиб, соҳа етук олимларининг мазкур масаладаги турли қарашлари кенг таҳлилда муҳокама этилган. Шунингдек, ҳар бир ҳолат бўйича мисоллар келтириш йўли билан ва қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш орқали амалий ва назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: охирги зарурат, хавф, хавф манбаи, хавфнинг аниқлиги, хавфнинг ҳақиқийлиги, ижтимоий хавфлилик, зарар, ижтимоий хавфли хужум.

ЗНАЧЕНИЕ СОБЛЮДЕНИЯ УСЛОВИЙ, ХАРАКТЕРИЗУЮЩИХ ГРОЗЯЩЕЙ ОПАСНОСТИ, В ПРОВОМЕРНОМ СУЩЕСТВОВАНИИ КРАЙНЕЙ НЕОБХОДИМОСТИ КАК ОБСТОЯТЕЛЬСТВО, ИСКЛЮЧАЮЩЕЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ

Маржона Ботир қизи ЖУМАНАЗАРОВА

независимый исследователь

Ташкентский государственный юридический

университет

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируется ряд условий характеризующих грозящей опасности в провомерном существовании крайней необходимости и научно исследуются источники опасности и специфика требований к ним, а также подробно рассматриваются различные взгляды ведущих ученых в этой области. Также были сделаны практические и теоретические выводы путем приведения примеров в каждом конкретном случае и анализа норм законодательства.

Ключевые слова: крайняя необходимость, опасность, источник опасности, реальность риска, обоснованность риска, общественная опасность, ущерб, общественно опасное нападение.

Жиноят ҳуқуқи назариясида охирги заруратнинг қонунийлиги бўйича икки гуруҳ шарт-шароитлар ишлаб чиқилган. Биринчи гуруҳ, хавф билан боғлиқ шартлар бўлса, иккинчиси, хавфни бартараф этиш чора-тадбирлари

билан боғлиқ шартлардир. Мазкур икки гуруҳга бўлиниш нафақат ўзбек, балки кўплаб хорижий жиноят ҳуқуқи адабиётларида ҳам кўп қўлланиладиган тақсимот саналади. Масалан, охирги зарурат ҳолатини аниқлашда икки хил зарурий шартлар аниқланиши кераклиги ҳақидаги фикрни илгари сурган Edward B. Arnolds фактларни аниқлаш ва ҳимоя қилинувчи қадриятларни аниқлаш мазкур икки гуруҳ шартлар қаторига киришини таъкидлайди [14]. У шунингдек, биринчи гуруҳ шартларни ўзи хавф ҳақиқатда мавжуд эдими ва ундан қутулишнинг йўли бўлганми деган саволлар орқали аниқлаш кераклигини, иккинчи гуруҳ шартларни эса, хавфни бартараф этиш учун танланган муқобил хавф олди олинганидан камроқ бўлганми каби савол орқали аниқлаш лозимлигини баён қилади.

Профессор М.Ҳ. Рустамбоев ҳам таҳдид солувчи хавфга оид талаблар ва хавфни бартараф этиш қилмишининг қонунийлигига оид талабларни бир-биридан ажратган. Таҳдид солувчи хавфга оид талаблар сирасига ижтимоий хавфлилик, хавфнинг мавжудлиги, ҳақиқийлиги каби талабларни келтириб ўтади.

Мазкур кўрсатиб ўтилган шартларнинг моҳияти шундаки, улар биринчидан, таҳдид қандай бўлиши кераклигини, яъни охирги зарурат ҳуқуқидан фойдаланишга қандай хавф имкон беришини, иккинчидан, хавфнинг олдини олиш учун қандай ва қай даражада чоралар кўриш лозимлигини белгилаб беради.

Шуни унутмаслик керакки, хавф – бу зарарнинг бошланишига таҳдид соладиган ҳолат. У охирги зарурат қўлланиши учун мавжуд бўлиши шарт бўлган ҳолат ҳисобланади.

Хавф деганда бирон-бир зарар етказиш ёки келтириб чиқариш қобилияти ёки имкониятини тушуниш керак деб ҳисоблаган Ю.В.Баулин фикрича, хавф объектлар, ҳодисалар, жараёнлар, тадбирлар ва бошқалар сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Профессор Ervin Belovics эса, охирги заруратда хавф деб, охирги заруратнинг қонуний элементи сифатида объектив, мутлақ ва тўғридан-тўғри ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказишга қаратилган

бўлиб, у вақт ва маконда чекланган ҳамда дарҳол юзага келиши кутилиши [15] таърифини келтиради.

Хавф жуда кенг тушунча бўлиб, ўзи якка ҳолда мавжуд бўла олмайди, у доим ўзининг манбаасига эга бўлади ва ҳар қандай манбаадан келиб чиқиши мумкин. Хавф манбалари сифатида инсоннинг айбсиз ёки қонунга зид хатти-ҳаракатлари (инсонларни гаровга олиш билан боғлиқ ёки ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларини бузишидан келиб чиққан хавф), ҳайвонларнинг хужумлари (масалан, айиқ хужуми), табиатда содир бўлувчи объектив ҳодисалар (бўрон, тошқин, зилзила, тоғ кўчкиси ва бошқалар), фавқулодда вазиятлар (ўрмон ёнғинлари, оммавий тартибсизликлар юз бериши билан боғлиқ хавф), турли механизмларнинг ишламай қолиши (транспорт воситалари), инсонда кечувчи патологик ва физиологик жараёнлар (очлик ҳолати, турли даражадаги касалликлар в.х.к.), эпидемия ва эпизоотия шароити (касалликнинг тез тарқалиши билан боғлиқ хавф), икки хавфнинг бир вақтда тўқнашуви (масалан, гувоҳлик бериш учун судга чақирилган гувоҳ жиддий касал бўлган қариндошига ёрдам кўрсатиш мақсадида гувоҳлик беришга бормаслиги) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Хавф манбаларини турли олимлар турли тарзда келтириб ўтишган. Масалан, Г.Ф.Хаметдинованинг фикрича, охириги зарурат мавжудлигининг қонуний шарт сифатида хавф манбаларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Табиат ҳодисалари, жумладан, ёввойи ҳайвонлар хулқ-атвори билан боғлиқ манбалар.

2. Техник воситалар, механизмлар ва радиоактив моддалар билан боғлиқ манбалар.

3. Инсон билан боғлиқ манбалар: а) организмда кечадиган физиологик (очлик, совуқ) ёки патологик (касаллик, шикастланиш) жараёнлар, шунингдек ҳуқуқ-тартибот манфаатларига хавф солиши ёки зарар етказиши мумкин бўлган хулқ-атвор (қонуний ва ноқонуний) [13;87].

Н.С. Таганцев “хавф туғдирувчи сабаблар” сифатида Г.Хаметдинованинг санаб ўтган сабабларига қўшимча сифатида яна “ақли

норасо шахснинг ҳаракатлари”ни ҳам хавф манбаи сифатида кўрсатади [11;215]. Гехфенбаум ҳам юқоридаги каби сабабларни келтириши билан бирга ўзига хос бўлган яна бир сабабни, “икки мажбуриятлар коллизияси” [3;89]ни ҳам хавф манбаалари сирасига киритади.

Инсонларнинг хатти-ҳаракатларини хавф манбаи сифатида келтириб ўтишда айбсиз ҳолда хавф остида қолдириш, ижтимоий хавфли ҳужум, шахс мажбуриятлари коллизияси, физиологик жараёнлар, шахснинг қонун билан ҳимоя қилинувчи манфаатларни ўзининг ҳаракатлари орқали хавф остида қолдириши, умуман олганда, жиноий бўлмаган ҳамда жиноий хатти-ҳаракатларга эътибор қаратиш лозим. Бироқ, адабиётларда бу масала юзасидан бирор бир яқдил фикрни топиб бўлмайди. Баъзи муаллифлар хавф манбаи сифатида ҳар қандай инсон хатти-ҳаракатларини кўрсатишса [8;150-152], базилар фақат жиноий хатти-ҳаракатни хавф манбаига киритадилар [10;97], яна бошқа олимлар ижтимоий хавфли ҳаракатларни [4;25], ҳуқуққа зид ҳаракатларни [6;458] мазкур манбаа сирасига киритадилар.

Охирги зарурат ҳолатида ҳаракатланишнинг асоси сифатида фақат жиноий тусдаги хавф мавжуд бўлиши керакми ёки маъмурий жавобгарлик билан боғлиқ хавф ҳам тан олиниши мумкинми деган савол юзага келиши табиий. Бизнингча, маъмурий ҳуқуқбузарлик билан яратилган хавфни охирги заруратни ифодаловчи жиноят қонуни нормаси билан баҳолаб бўлмайди, чунки бундай ҳолатда жиноят қонунида назарда тутилган зарар, жавобгарлик ҳар доим олди олинганидан катта бўлади деб ҳисобловчи олимлар ҳам мавжуд. Бошқача сўз билан айтганда, агар хавф маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиқса, оқибат ҳам, энг аввало, маъмурий ҳуқуқбузарликни юзага келтириши керак. Ж.В. Баулиннинг қайд этишича, хавф манбаи, нафақат жиноий ҳуқуқбузарлик, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик (масалан, ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларини бузадиган фавқулодда вазият яратиши)дан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61²-моддада мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш

хукукбузарлиги учун маъмурий жазо белгиланган бўлиб, модда диспозициясида ўзганинг мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш, оз миқдорни ташкил этса жавобгарлик юзага келиши тўғрисида норма мустаҳкамланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддасида мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш анча миқдорни ташкил этса жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган. Мазкур ҳолатда маъмурий жавобгарлик ҳамда жиноий жавобгарлик учун биргина миқдор даражасида фарқланишини кўриш мумкин.

Бизнинг фикримизча, хавфни келтириб чиқарган манбанинг ўзи ижтимоий хавфли хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин, лекин юзага келтирган ҳолатлари ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай экан, хавф, умумун жиноий ҳаракатлар натижаси бўлмаган вазиятда ҳам бундай хавфдан ҳимояланиш учун охири заруратдан фойдаланиш асосли бўлади. Шу нуқтаъи назардан келиб чиқиб, биз В.В.Ореховнинг ҳам охири зарурат ҳолати мавжуд бўлишининг хавф билан боғлиқ ҳуқуқийлик шартларидан бири сифатида хавф манбаи “жиноий ёки ҳеч бўлмаганда ноқонуний инсон хатти-ҳаракати” [7;128] бўлиши шарт деган фикрига қўшилмаймиз. Ҳар қандай инсон томонидан содир этилган ҳаракатлар охири заруратнинг хавф манбаини келтириб чиқариши мумкин. Нафақат қонунга хилоф ҳаракатлар, балки қонуний хатти-ҳаракат ҳам муайян вазиятда хавф манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 38-моддасида ижтимоий хавфли бўлган хавф ҳақида сўз бормаган, унда шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавф назарда тутилган бўлиб, нормани шарҳлаш давомида хавфни юзага келтириш манбаси турли воқеа-ҳодисалар, шунингдек ҳам жиноий, ҳам маъмурий хатти-ҳаракатлар ҳам бўла олади деган хулоса қилиш мумкин.

Хавф манбаалари ҳақида сўзимизни давом эттириб, шахсни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш билан боғлиқ хавфни ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 41¹-моддасида жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида ушбу Кодекс билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмаслиги белгиланган. Демак, мазкур ҳолат қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи бошқа норма бўлиб, охирги зарурат учун хавф манбаи бўла олмайди, бироқ бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, зарар етказганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масала ушбу Кодекс охирги зарурат билан боғлиқ нормасининг қоидалари инобатга олинган ҳолда ҳал этилиши лозим. *Мазкур вазият учун одатий мисоллардан бири сифатида кассирнинг ўз ҳаётидан маҳрум бўлиш хавфи остида, тажовузкорга ўзига ишониб топширилган мулкни, яъни кассадаги пулларни беришини келтириб ўтиш мумкин.*

Шундай қилиб, жисмоний мажбурлаш қўлланилган шахсда бошқанинг қонун билан ҳимоя қилинувчи манфаатларга зарар етказишдан ташқари ўзини ҳимоя қилишнинг бошқа йўли бўлмаса ва етказилган зарар олди олингандан кам бўлса, бундай шахс охирги зарурат ҳолатида ҳаракат қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Хавф манбаларига субъектнинг ўз хатти-ҳаракатини ҳам киритиш мумкин. *Масалан, шахс ўрмонда адашиб қолгани сабабли келажакда оч қолиш хавфини олдини олиш натижасида Қизил китобга киритилган, бошқа сўз билан айтганда, қонун билан ҳимояга олинган ҳайвон ёки қушни ўлдирishi ҳолати.*

Бурч ва мажбуриятлар рақобати охирги зарурат хавфи манбалари орасида алоҳида ўрин тутadi (бунда гап, асосан, шифокорлар, ички ишлар органлари ходимлари, фавқулодда вазиятларда қутқарув ходимлари ҳақида бормоқда). Шахс камроқ зарар етказиш мақсадида бошқа бир мажбуриятини бажаришдан бош тортиши мумкин. *Масалан, касаллиги хавфлироқ бўлган бошқа шахсга шошилиш ёрдам кўрсатиш зарурати туфайли касаллиги*

нисбатан енгил бўлган касалга тезлик билан ёрдам бера олмаслик охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб топилиб, жавобгарликни истисно этади.

Бунда охирги зарурат доирасида иккита қонун билан ҳимоя қилинувчи ҳуқуқ ва манфаатлар мавжуд бўлади. Камроқ аҳамиятга эга бўлган бир объект беихтиёр зарар кўриши оқибатида юқори қийматга эга бўлган бошқа объектни сақлаб қолиш имкони пайдо бўлади.

Хавф охирги заруратнинг юзага келишига асос бўлиб, ўз навбатида, муайян хусусиятларга ҳам эга. Хавфнинг аниқлиги ва унинг ҳақиқийлиги охирги зарурат ҳуқуқидан фойдаланиш имконини юзага келтирувчи хавфнинг энг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Мазкур хусусиятлар хавфнинг асоси бўлгани билан бирга, бизнингча, шунингдек хавфнинг қонуний талаблардан келиб чиқмаган бўлиши лозимлиги, қонун талабидан келиб чиқмаган хавф бўлиши кераклиги каби шартлари ҳам борки, уларнинг ҳам мавжудлиги охирги зарурат учун хавфга қўйилган шартларни тугал ҳолатга келтиради. Олимлар орасида хавфнинг хусусиятларини кенгайтирилган ҳолда кўрсатишни қоралаб, унинг фақат аниқ ва ҳақиқийлиги етарли бўлишини кўрсатувчиларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Г.Хаметдинова аниқлик ва ҳақиқийлик хавфнинг етарли шарти эканини таъкидлаган. В.Ф.Антонов эса хавфнинг шартларини кенг талқин қилиш лозимлиги ҳақидаги қарашга эга олимлардан бири бўлиб, у хавфнинг хусусиятларини ўз илмий изланишларида кенг тарзда ёритган [1;46]. Биз иккинчи тоифадаги хавф хусусиятларини кенг талқин этувчи олимларнинг фикрларини қўллаб қувватлаймиз. Бироқ, В.Ф.Антоновнинг хавфнинг хусусиятларидан бири сифатида келтирган “хавф енгиб бўлмайдиган бўлиши” лозимлиги хусусидаги фикрига қўшилмаймиз. Бу фикримизни асослашда айнан мазкур шарт охирги заруратнинг хавф билан боғлиқ шартлари эмас, балки хавфни баргараф этиш чоратadbирлари билан боғлиқ шарти эканини келтириб ўтмоқчимиз.

Хавфнинг биринчи шarti сифатида унинг *аниқлигини* таҳлил қилар эканмиз, “Хавф аслида аниқ бўлмаган вазиятда охирги зарурат қўлланилиши мумкинми?” деган савол туғилади.

Таъкидлаш лозимки, фақат аниқ бўлган хавф қонун билан қўриқланадиган манфаатлар ўртасида тўқнашувни келтириб чиқаришга қодир. Хавфнинг аниқлиги фақат ҳозирги замонда ифодаланмайди, балки келажақда ҳам рўй бериши мумкин бўлган хавф охирги заруратга асос бўлиши мумкин.

Биз хавфни аниқ деб қуйидаги ҳолларда ҳисоблашимиз мумкин:

- 1) айти шу дамда, ҳозирок юзага келиши мумкин деб тахмин қилинса;
- 2) муқаррар равишда келажақда юзага келадиган, унинг олдини олиш учун эса зудлик билан чора қўллаш лозим бўлса.

Айнан хавфнинг аниқлик шarti нафақат ҳозирги вақтда хавф мавжудлигини, балки келажақда юзага келиши мумкин бўлган субъектнинг хавфнинг олдини олиш ҳуқуқига эга бўлган вақтни ҳам белгилайди. Хавфнинг аниқлик белгиси фақатгина хавф ўтиб кетганидан сўнг йўқолади.

Муддат ҳақида сўз борганда, Ю.В.Баулиннинг фикрини келтириб ўтишни лозим топдик. Унинг фикрича, хавфнинг вужудга келиш вақти нафақат зарар хавфи аслида бошлагани билан боғлиқ (масалан, ёнғин аллақачон бошланган, қишлоқ сув тошқинида қолган, самолёт қулаган), балки зарар келиб чиқиш хавфининг ўзигина бўлиши билан (масалан, сув тошқини, ёнғин ёки авария хавфи мавжудлиги) ҳам аниқланади [2;305]. Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, бундай хавф дарҳол вужудга келиши ва учинчи шахс ҳуқуқ ва манфаатларига ўша вазиятда зарар етказмаган ҳолда мазкур хавфни қайтариш имконсизлиги аниқ бўлиши керак.

С.А.Домахин ҳам келажақда юзага келиши мумкин бўлган хавф охирги заруратни юзага келтириши мумкин деб ҳисоблайди [4; 33]. Ушбу фикрга қарши чиққан А.В.Наумов келажақдаги хавф охирги зарурат ҳолатини яратмаслигини таъкидлайди [5;125]. Мазкур фикрлардан тубдан фарқ қилган қараш В.Ф.Антоновга тегишлидир. Унинг фикрича, хавфни ҳозирги ва келажақдаги таҳдидларга ажратишда ҳеч қандай мантиқ йўқ. Агар хавфни ўша

вазиятда бошқа йўл билан олдини олиш мумкин бўлмаса, охирги зарурат ҳақида гапиришимиз мумкин. Асосий шарт хавф аниқ бўлиши керак [1; 46].

Бизнинг фикримизча, хавф аниқ, реал ва дарҳол юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда ҳамда мазкур хавфни олдини олишнинг ўзга имкони бўлмаганида охирги зарурат ҳуқуқи юзага келади. Келажакда юзага келиши мумкин бўлган хавфни ҳозир олдини олиш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласи ҳал қилинган ҳолларда ҳамда ушбу хавф аниқлигига шубҳа бўлмаган ҳолларда охирги зарурат ҳуқуқидан фойдаланиш мумкин.

Охирги зарурат ҳолатининг тугаши хавфнинг бартараф этилганлиги ёки олдини олиш мумкин бўлмаган зарарнинг юзага келиши билан белгиланади. Ижобий яқун бўлмаган ҳолатлар охирги зарурат муддатидан олдин ёки муддатидан кеч қўлланилган ҳолатларда юзага келади. Охирги зарурат қўллашнинг мақсади зарарни бартараф этиш экан, демак, агар зарарнинг олдини олиш мумкин бўлмаса, уни олдини олиш учун чора-тадбирларни қўллаш мантиққа тўғри келмайди деб ҳисоблаймиз.

Хавфнинг кейинги белгиси унинг ҳақиқийлигидир. Хавфни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар, агар хавф ҳақиқий бўлсагина қонуний деб тан олиниши мумкин. Бир жумлада баён қиладиган бўлсак, “хавф ҳақиқий ва объектив” бўлиши керак” [16;327].

Шахснинг фақат тасаввурида мавжуд бўлган хавф охирги зарурат ҳолатини ярата олмайди. Шу сабабдан, бир қонун билан ҳимоя қилинувчи ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказишдан олдин шахс бошқа кўпроқ қийматли ҳуқуқ ва манфаатлар учун ҳақиқий хавф бор ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Ю.В.Баулиннинг фикрича, баъзан шахс аслида мавжуд бўлмаган хавфни ҳақиқий деб фараз қилиши мумкин. Бундай ҳолларда унинг ҳаракатлари ҳаёлий охирги зарурат қоидаларига кўра баҳоланиши лозим [2;305].

Профессор М.Ҳ.Рустамбоевнинг фикрига кўра эса, хавфнинг мавжудлиги қонун билан қўриқланадиган объектларга шу ондаги ва олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилишининг ҳақиқий таҳдиди мавжудлигини ёки шундай зарар

етказилиб, ҳали юзага келмаганлигини билдирса, хавфнинг ҳақиқийлиги эса, унинг объектив равишда, амалда мавжуд бўлишини англатади [9;356].

Ҳақиқий бўлмаган хавф бошланиши ёки тугаши мумкин эмас, чунки у фақат тасаввурда мавжуд бўла олади. Балки шу сабабдан ҳам С.Ф.Милюков охирги зарурат мавжудлигининг хавф билан боғлиқ қонунийлик шартларига қуйидаги икки шартни, яъни “у ижтимоий хавфли бўлиши керак”лиги ва “хавф ҳақиқатда мавжуд бўлиши керак”лигини киритгандир. Бизнинг фикримизча, мазкур ўринда хавфнинг мавжудлиги деганда, С.Ф.Милюков унинг ҳақиқийлигини назарда тутмоқда, сабаби, ҳақиқий бўлмаган хавф мавжуд ҳам бўла олмайди.

Хавфнинг мавжудлигига объектив ва субъектив томондан қараш мумкин. Объектив томондан хавфнинг мавжудлиги учун унинг ҳақиқийлиги (реаллиги) шарти мажбурий бўлса, субъектив томондан шахс бу хавфни қонун билан ҳимоя қилинувчи ҳуқуқ ва манфаатлар учун ҳақиқий хавф деб ҳисоблашининг ўзи кифоя. Чунки И.М.Тяжкованинг табирича, хавфнинг ҳақиқийлиги ижтимоий-психологик категория бўлиб, субъектив идрокка боғлиқ ва шунинг учун у нотўғри бўлиши ҳам мумкин [12;58].

Демак, агар шахс хавф борлигига ишонса, лекин мазкур вазиятда хавф йўқлигини англаши лозим ёки мумкин бўлса, унинг ҳаёлий хавфни бартараф этиш учун қилинган эҳтиётсизлик оқибатидаги ҳаракатларидан келиб чиққан зарар учун жавобгар бўлиши керак.

Агар шахс хавфнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига ишониши учун барча асосларга эга бўлса ва ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб, унинг тахминининг ҳатолигини тушуниб олиш имкони бўлмаса, унда бундай ҳаёлий хавфни бартараф этиш учун етказилган зарар тасодифий бўлади ҳамда шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, хавфга қўйилган шартларга, шунингдек *хавф касби ёки хизмат вазифаларини бажариши натижаси бўлиши керак эмаслигини* ҳам киритишни лозим топдик. Демокчимизки, ўз касбига кўра хавфга жавоб беришга мажбур бўлган шахс

охирги заруратни важ қилиб хавфдан бош торта олмайди. Масалан, уруш вақти ўлим хавфи юзага келганда ҳарбий жанг майдонидан охирги зарурат ҳуқуқидан фойдаланаман деб қочишга ҳақи йўқ. Яна бир мисол, ички ишлар ходими жинойтчи ўзига нисбатан хавф туғдириши мумкинлигини ўйлаб уни ушлашдан воз кечишга ҳақли эмас. Ёки, шифокор оғир беморнинг касали ўзига юқиб қолиш хавфи остида уни даволашдан воз кечиши, ўт ўчирувчи оловда қолиш хавфи остида ўт ўчирмаслиги мумкин эмас.

Хавфга қўйилган шартларнинг сўнгиси унинг *қонун талабларидан келиб чиқмаган бўлиши*дир. Агар бирор шахс учун хавф ҳуқуқни амалга ошириш ёки қонун талабларини бажариш натижасида юзага келган бўлса, бу хавфнинг олдини олиш учун қилинган ҳаракатлар охирги зарурат саналмайди. Бунга сабаб шуки, охирги зарурат билан фақат қонуний манфаатлар ҳимоя қилиниши мумкин, қонунга зидлари эмас. Масалан, жинойт ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахс айнан кўрсатилган вақтда узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан мажбурий келтириш қўлланилган бўлса, мазкур шахс бу вазиятда охирги зарурат ҳуқуқидан фойдаланиб судга олиб борилиш хавфидан қутулишга уруниши мумкин эмас.

Юқорида санаб ўтилган хавф манбаларидан келиб чиқувчи охирги зарурат ҳолатида хавфга қўйилган шартларга унинг аниқлиги, ҳақиқийлиги (реаллик), касби ёки хизмат вазифаларини бажариши натижаси бўлмаслиги, қонун талабларидан келиб чиқмаган бўлиши каби шартларни киритиш лозим деган хулоса қилиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Антонов В.Ф. Крайняя необходимость в уголовном праве: Монография. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 357 с.
2. Баулин Ю.В. Обстоятельства, исключаящие преступность деяния. – Харьков, 1991. – 305 с.

3. Гехфенбаум Г. М. Крайняя необходимость в уголовном праве: дис.... канд. юрид. наук. – Ставрополь, 2002. – 165 с.
4. Домахин С. А. Крайняя необходимость по советскому уголовному праву. – Москва: Госюриздат, 1956. – 79 с.
5. Милуков С.Ф. Российское уголовное законодательство: опыт критического анализа. – СПб.: СПБИВЭСЭП, Знание, 2000. – 279 с.
6. Нионтковский А.А. Учение о преступлении, по советскому уголовному праву. – Москва: Б. и., 1961. – 458 с.
7. Орехов В.В. Необходимая оборона и иные обстоятельства, исключающие преступность деяния. – СПб.: Юрид. Центр Пресс, 2003. – 230 с.
8. Паше-Озерский Н.Н. Необходимая оборона и крайняя необходимость в советском уголовном праве. – Москва: Госюриздат, 1962. – 181 с.
9. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 1-том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: ИLM- ZIYO, 2010. – 356 б.
10. Слуцкий И.И. Обстоятельства, исключающие уголовную ответственность. – Ленинград: Изд. Ленинградского университета, 1956. – 118 с.
11. Таганцев Н.С. Русское уголовное право: Лекции. Часть Общая. Т. 1. – Москва: Наука, 1994. – 215 с.
12. Тяжкова И.М. В состоянии крайней необходимости // Человек и закон. – 2005. – № 11. – С. 58.
13. Хаметдинова Г.Ф. Уголовно-правовая характеристика крайней необходимости: дис... кан. юр. наук. – Тюмень, 2007. – 220 с.
14. Edward B. Arnolds, Norman F. Garland, The Defense of Necessity in Criminal Law: The Right to Choose the Lesser Evil, J. Crim. L. & Criminology 289 (1974). Vol. 65, No.3., P.294.
15. Ervin Belovics. Proportionality in extreme necessity. Iustum Aequum Salutare X. 2014. 2. P. 134.

16. Francisco Muñoz Conde & Mercedes García Arán, Derecho penal: Parte general p.327 (7ma ed. 2007).